

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ
Фойдаланиш муаммоси ва унинг қонунчиликда акс этиши**
Ш.Б.Хайридинов

Қарши Давлат университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10782276>

Аннотация: Мазкур мақолада таълим (олий таълим) ресурслардан самарали фойдаланишни ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Олий таълим муассасалари фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган харажатлар катта қисмининг бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланаётганлиги бу маблағларнинг сарфланишига нисбатан алоҳида муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Олий таълимни молиялаштириш икки кўринишда, яъни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва таълим хизматлари кўрсатилишидан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: бюджет маблағлари, таълим тизимини молиялаштиришга, давлат бюджети, бюджет харажатлари.

**ПРОБЛЕМА ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БЮДЖЕТНЫХ
СРЕДСТВ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ И ЕЕ ОТРАЖЕНИЕ В
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ**

Аннотация: В данной статье рассматриваются конкретные аспекты эффективного использования образовательных (высших) ресурсов. Тот факт, что большая часть расходов, необходимых для осуществления деятельности высших учебных заведений, покрывается за счет бюджетных средств, требует формирования особых отношений по поводу расходования этих средств. Финансирование высшего образования осуществляется в двух формах: за счет средств государственного бюджета и за счет средств, полученных от оказания образовательных услуг.

Ключевые слова: бюджетные средства, финансирование системы образования, государственный бюджет, расходы бюджета.

**THE PROBLEM OF EFFECTIVE USE OF BUDGET FUNDS IN HIGHER
EDUCATION AND ITS REFLECTION IN LEGISLATION**

Abstract: This article discusses specific aspects of the effective use of educational (higher) resources. The fact that most of the expenses necessary for the implementation of the activities of higher education institutions are covered by budgetary funds requires the formation of special relations regarding the expenditure of these funds. Financing of higher education is carried out in two forms: at the expense of the state budget and at the expense of funds received from the provision of educational services.

Keywords: budget funds, financing of the education system, state budget, budget expenditures.

КИРИШ

Юртимиз бўлган Ўзбекистоннинг барча жабҳалардаги (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ва ҳ.к.) тараққиётида таълим тизимининг ҳолати ва кадрлар тайёрлаш жараёни муҳим аҳамият касб этади, десак асло хато қилмаган бўламиз. Ва бу ўринда шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимизда таълим тизимини маблағ билан таъминлаш ёки молиялаштиришнинг асосий манбаси бўлиб Давлат бюджети маблағлари

хизмат қилади. Бироқ, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўрсатишича, сўнгги йилларда мамлакатимизда бозор муносабатларининг янада ривожланиши ва рақамли иқтисоднинг босқичма-босқич жорий этилиши, аҳоли даромадларининг йилдан-йилга кўпайиши ҳамда таълимнинг инсон ҳаётидаги ролининг янада юқорироқ кўтарилиши Ўзбекистонда замонавий талабларга тўла-тўқис жавоб бера оладиган давлат таълим муассасалари билан биргаликда, таълим муассасаларининг бошқа муқобил шакллари, хусусан, нодавлат таълим муассасалари ҳам вужудга келмоқда. Буни ижобий ҳолат деб баҳоласак бўлади. Зеро бу, ўз навбатида, бевосита таълим муассасалари ўртасида яхши натижаларга олиб келиши мумкин бўлган рақобатнинг кучайишига, Давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилган маблағларнинг оқилонлашувиға ёки оптималлашишиға ҳамда молиялаштиришнинг диверсификацияланишиға олиб келиши мумкинки, буларнинг барчаси ушбу тизимнинг бозор муносабатларига янада яқинлашиб бораётганлигидан даракдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тегишли манбаларға назар солар эканмиз, ҳозирги пайтда мамлакатимизда Давлат бюджети харажатларининг 30,0%дан кўпроғи таълим тизимини молиялаштиришға сарфланаётганлиги маълум бўлади. Унинг асосий қисми эса умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун мўлжаллангандир. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча тармоқ ва соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлашни асосий мақсад қилиб олган олий ўқув юртлари ҳам таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланадики, мазкур соҳаға, масалан, фақат “Янги Ўзбекистон” даври учун хос бўлган маълумотларни оладиган бўлсак, Давлат бюджетидан 2018 йилда 1012,8 млрд. сўм, 2019 йилда 1593,0 млрд. сўм, 2020 йилда 1885,5 млрд. сўм, 2021 йилда 2187,7 млрд. сўм, 2022 йилда 5248,8 млрд. сўм¹ ва 2023 йилда эса 4848,0 млрд. сўм. маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ушбу рақамларни қиёслаш натижасида шуни аниқлашимиз мумкинки, Давлат бюджетидан олий таълим тизимини молиялаштиришға 2023 йилда олдинги йилға нисбатан 2,4 баробар, 2018 йилға нисбатан эса 5,2 баробар кўпроқ маблағ ажратиш режаға киритилган.

Маълумки, Давлат бюджети маблағлари чекланган бўлиб, улар ўзининг қатъий бир чегарасиға эға бўлади ёки улар чексиз эмас. Ана шуни инобатға олган ҳолда Давлат бюджетининг мавжуд молиявий ресурсларидан тежаб-тергаб, иқтисод режимига қатъий риоя этган ҳолда оқилон ва самарали фойдаланиш ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Буни эса, ўз навбатида, албатта самарали молиялаштириш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратишдан айро ҳолда тасаввур этишнинг иложи йўқ.

Юқоридагиларни ҳисобға олган ҳолда, бизнинг мамлакатимизда ҳам, айниқса, унинг тараққиётининг “Янги Ўзбекистон” даврида таълим соҳаси, жумладан, унинг энг муҳим таркибий қисми бўлган олий таълим тизимини тартибға солиш, молиялаштириш тартиби бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилинмоқда. Бизнингча, уларнинг энг асосийси сифатида 2020 йил 23 сентябрь куни тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини кўрсатишимиз мумкин. Бу қонун билан танишар эканмиз, аввало, унинг 11 боб ва 75 моддадан иборат эканлигини қайд этиб ўтишимиз керак. Шунингдек, унда асосан таълим соҳасиға оид асосий тушунчалар, таълим принциплари, таълим тизими, турлари ва шакллариининг мазмуни, таълим тизимини бошқариш, таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги - Фуқаролар учун бюджет, 2018-2022 йиллар.

фаолиятини ташкил этиш ва унинг назоратини амалга ошириш тартиби, таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқий мақоми, таълим олувчилар ва улар оналарининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, таълим ташкилотларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш, таълим соҳасидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш, таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари, таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик масалаларига изоҳ берилганлигини кўришимиз мумкин.

Қайд этилган қонуннинг 9-боби айнан таълимни молиялаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга мўлжалланган бўлиб, унга мувофиқ Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш: а) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан; б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан; в) туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан; г) кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан; д) бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчи-ликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилишнинг кўзда тутилганлиги маълум бўлади.

Ўз навбатида, ушбу қонунда кўзда тутилган тартиб-қоидаларга мувофиқ нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш эса муассис-ларнинг, кадрлар буюртмачиларининг пул ва моддий маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади².

Шуниси диққатга сазоворки, янги давр талабларини ва айниқса, бозор иқтисоди шароитида яшаётганлигимизни ҳисобга олган ҳолда ушбу қонунга мувофиқ Давлат таълим муассасаларига уставида белгиланган вазифаларга мос пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун руҳсат ҳам берилган. Бироқ пуллик таълим хизматларини кўрсатиш таълим муассасасининг асосий фаолиятига тўққинлик қилмаслиги керак. Шунингдек, бу ерда замонавий бозор иқтисодининг талабларига мос келадиган яна бир ҳолат мавжудки, бу таълим муассасалари томонидан кўрсатилган қўшимча таълим хизматлари учун ҳақ ундириш тартиби ва мазкур маблағлардан фойдаланиш таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланишидир.

“Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни”нинг 62-моддасида кўзда тутилганидек, таълим ташкилотларини молиялаштириш-нинг қўшимча манбалари: а) шартномалар асосида, шу жумладан чет эллик жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобидан тушган маблағлар; б) жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмалари асосида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни бажариш ҳисобидан тушган маблағлар; в) таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар; г) бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан тушган маблағлар; д) таълим ташкилотларининг бўш турган пул

² Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни. 62-modda. Таълим ташкилотларини молиялаштириш

маблағларини банк муассасаларига депозитларга жойлаштириш ҳисобидан олинган пул маблағлари (фоизлар); е) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратиладиган маблағлар; ё) банк кредитлари ва ссудалари; ж) жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағларидан иборат.

Агар мазкур қонуннинг 63-моддасига назар соладиган бўлсак, у ҳолда давлат таълим муассасаларига қонунчиликда белгиланган тартибда давлат муассасалари ҳамда ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари ҳамда ажратмалари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таълимни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этишга рухсат берилганлиги ҳам маълум бўлади.

Бизнингча, “Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни”нинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Бу ушбу қонунда таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик атамасига ҳам таъриф бериб ўтилганлигидир. Унга мувофиқ “давлат-хусусий шериклик” атамаси давлат ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорликдир. Шунингдек, ушбу қонуннинг 64-моддасига мувофиқ нодавлат таълим ташкилотлари таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши ҳам мумкин.

Юқоридаги қонун моддаларини таҳлил қилиш яна шуни кўрсатадики, давлат таълим соҳасига жалб қилинадиган инвестицияларни ҳам ушбу қонун доираси (асоси)да қўллаб-қувватлаган. Хусусан, унга кўра давлат таълим соҳасини, таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек инвесторларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган инвестицияларни жалб этиш учун қулай ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилишини таъминлайди. Бу тартиб ушбу қонуннинг 65-моддасида мустаҳкамлаб кўйилгандир.

Қонунда таълим ташкилотлари ўз мулкига, хўжалик юритувидаги ёки оператив бошқарувидаги мулкка эга бўлиши лозимлиги, шунингдек давлат таълим муассасаларининг оператив бошқарувида ёки хўжалик юритувида бўлган объектларнинг (бино, иншоот, қурилатган бино ва иншоотларнинг, ўқув, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг, таълим олувчилар вақтинча турар жой биноларининг, клиник базалар ва бошқа кўчмас мулк объектларининг, шу жумладан таълим кампусларига қирадиган мулк объектларининг) хусусийлаштирилишига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган.

Шунингдек, қонунда агар таълим ташкилотлари қайта ташкил этиладиган бўлса, улар эгаллик қилувчи мол-мулк янги ташкил этилган таълим ташкилотига ҳуқуқий ворислик асосида берилиши белгиланган. Бир пайтнинг ўзида, таълим ташкилотлари тугатилганда эса уларга тегишли мол-мулк кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, муассисларга (иштирокчиларга) қайтарилиши ҳам ушбу қонуннинг 66-моддасида белгилаб кўйилган.

Бу жойда, бизнинг фикримизча, яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Гап шундаки, юқоридаги қонуннинг тегишли моддаларида ва уларга қаратилган бизнинг мулоҳазаларимизда ҳам “олий таълим” ёки “олий таълим муассасалари” деган сўз ёки иборалар ишлатилмаган ва ишлатилмади ҳам. Бундан қонун тегишли бандларининг олий таълимга дахлдор эканлиги ёки шундай эмаслиги тўғрисида ҳеч қандай шубҳа

туғилмаслиги керак. Қайд этилган ҳолатларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий таълим ёки олий таълим муассасаларига ҳам бевосита дахлдордир. Зеро, таълим ягона бўлиб, олий таълим унинг ажралмас таркибий қисмларидан биридир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган таҳлил натижалари ва мулоҳазаларимиздан яққол кўриниб турибдики, “Ўзбекистон Республика-сининг Таълим тўғрисидаги қонуни”да, жумладан, олий таълим муассаса-ларида бюджет маблағларидан ҳам самарали фойдаланишнинг фундаменталь асослари яратилган. Олий таълим муассасалари уларга қатъий риюя этсалар, қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймасалар, жумладан, бу охир-оқибатда, биз кўзлаган натижага – бюджетдан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларида ҳам замонавий бозор иқтисодининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга – олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20 декабрь 2022 йил.
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ 23.09.2020 й. N ЎРҚ-637 Таълим тўғрисидаги https://nrm.uz/contentf?doc=634982_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сон.
4. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик / Тошкент Молия
5. институти. – Тошкент: 2019. – 882 бет.
6. Malikov T., Xaydarov N. Byudjet (tizimi, tuzilmasi, jarayoni). O‘quv qo‘llanma. - T.: Iqtisod-moliya, 2008. 25-30 b
7. Финанси: учебник для бакалавров / Подред. М. В. Романовского, О. В.
8. Врублевской. – 3-изд., перераб. идоп.–М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
9. Нешитой А. С. Бюджетная система Российской Федерации: учебник. – 10-изд., испр. идоп. –М.: Издателско торговая корпорация «ДашковиК», 2012. – 336 с.3 b.
10. KA Botirovich, KS Batirovich - Thematics Journal of Education, 2022 CHALLENGES IN FINANCING THE FINANCIAL INDEPENDENCE OF LOCAL BUDGETS AND WAYS TO OVERCOME THEM
11. Botirovich, K. A., & Batirovich, K. S. (2021). Local Budget Revenues As an Important Link of Territorial Revenue Power. American Journal of Economics and Business Management, 4(5), 1-4.
12. Хайриддинов, Ш. Б. (2023). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ФУНДАМЕНТАЛЬ МАСАЛАЛАРИ. Research Focus International Scientific Journal, 2(9), 65-68.
13. Хайриддинов, Ш. Б., & Менглибойев, С. Т. (2023). БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ. Research Focus, 2(12), 27-32.